

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ ХАРАЖАТЛАРИ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ ТАҲЛИЛ

Қодиров Қурбонбек Қудратуллаевич

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

Давлат бюджети сиёсати департаменти етакчи мутахассиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10663075>

Аннотация: Иқлим ўзгариши юзасидан амалга оширилаётган ислохотларга бағишланган.

Калит сўзлари: Иқлим ўзгариши, "Яшил" ўсиш ва иқлим ўзгариши, "Яшил" иқтисодиётга

Кириш.

Ўзбекистон иқлим ўзгаришларига таъсирчанлиги юқори бўлган давлатлар сирасига киради, бу ўз навбатида иқлим сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш зарурати билдиради.

Иқлим ўзгариши муҳимлигини инобатга олиб, Ўзбекистон 1993 йилда БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конвенциясига (БМТ ИЎК) қўшилган ҳамда 2017 йилда Париж битимини имзолаган.

Париж битими — 2020 йилдан бошлаб атмосферадаги карбонат ангидридни камайтириш бўйича чора-тадбирларини тартибга солувчи БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конвенцияси доирасида қабул қилинган ҳужжат ҳисобланади. Ушбу битим 2015 йил 12 декабрда Парижда ўтказилган иқлим бўйича Конференция давомида Киото баённомасини такомиллаштириш йўлида қабул қилинган. Битимнинг мақсади — БМТ ИЎК амалга оширилишини жадаллаштириш, хусусан, глобал иссиқхона газларининг атроф-муҳитга чиқарилишини 2050 йилга келиб 40-70 фоизга қисқартириш ва 2100 йилга келиб иссиқхона газларининг атроф-муҳитга чиқарилишининг ноль ёки манфий қийматига эришишни талаб этадиган глобал ўртача ҳаво ҳарорати ўсишини 2 градус Цельсийдан «жуда паст» даражада сақлаш ҳамда ҳарорат ошишини 1,5 градус даражада чегаралашга алоҳида эътибор қаратиш.

Ўзбекистонда иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича стратегик асослар таҳлили¹

Стратегик ҳужжатлар (халқаро битимлар, келишувлар ва конвенциялар, қонунчилик ҳужжатлари)

Стратегик режалаштириш асослари (иқлим хавфларини акс эттириш, эмиссияни камайтириш мақсадларининг ривожланиш дастурларига интеграцияси)

Иқлим ўзгаришига тааллуқли тармоқлар стратегиялари

Иқлим ўзгариши соҳасида мониторинг, ҳисобот ва баҳолаш тизими

"Яшил" ўсиш ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ стратегияларни миллий ва тармоқлар миқёсида режалаштириш

Стратегик асослар таҳлили бўйича хулоса ва тавсиялар – 1

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ягона ҳужжатга жамлаш ва соддалаштириш, хусусан:

Иқлим ўзгариши бўйича стратегия ва Миллий мослашиш режалари;

¹ Программа развития ООН семинар маълумотлари

2050-2060 йилга қадар кам углеродли (декарбонизация) ривожланиш стратегияси;
Мамлакатда иқлим ўзгариши масалаларини миллий, тармоқ ва ҳудудий ривожланиш дастурларига киритиш тартиб-таомиллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;



Стратегик асослар таҳлили бўйича хулоса ва тавсиялар – 2

Ривожланиш мақсадларини белгилаш, уларни молиялаштириш ва амалга оширишгача бўлган режалаштиришнинг барча босқичларида, шу жумладан давлат бюджетини режалаштириш жараёнларида иқлим ўзгариши масалаларини ҳисобга олиш;
Иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш бўйича МҲТ (MRV) ва иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича МвБ (M&E) замонавий тизимларини йўлга қўйиш;
"Яшил" ўсиш ва иқлим ўзгаришига доир маълумотларни йиғиш ва бошқаришни такомиллаштириш мақсадида турли давлат органларининг соҳага тааллуқли маълумотлар базаларини ўзаро боғлайдиган интеграциялашган иқлим ўзгариши ахборот тизимини яратиш.

II. Ўзбекистонда иқлим ўзгариши соҳасидаги институционал асослар таҳлили


Иқлим ўзгариши соҳасида миллий институционал тузилмалар (тармоқлараро ва тармоқларда иқлим ўзгариши масалаларини тартибга солиш)

Иқлим ўзгариши соҳасида ҳудудий институционал тузилмалар

Иқлим ўзгариши соҳасидаги фуқаролик жамияти институтлари, илмий-тадқиқот ва олий-таълим муассасалари

Иқлим ўзгариши соҳасида ривожланиш бўйича ҳамкорлар (БМТТД, ФТА, ЖБ ва б.)

"Яшил" иқтисодиётга ўтиш ва "яшил" ўсиш институционал тузилмаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Институционал асослар таҳлили бўйича хулоса ва тавсиялар - 1

Иқлим ўзгариши бўйича юқори даражадаги мувофиқлаштирувчи орган сифатида Иқлим ўзгариши бўйича чора-тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича идоралараро комиссияни тузиш;

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг миллий иқлим мақсадларига эришиш, Миллий хабарлар ҳамда Миллий миқёсда белгиланадиган ҳиссалар (NDC)ни амалга оширишда фаоллигини ошириш

Институционал асослар таҳлили бўйича хулоса ва тавсиялар – 2


Ўзбекистонда иқлим ўзгариши бўйича стратегиялар ҳамда уларни амалга ошириш воситаларининг мувофиқлигини баҳолаш ва маслаҳат бериш, шунингдек, уларни амалга оширишдаги ютуқ ва камчиликларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича мустақил маслаҳат механизмини яратиш;

Иқлим ўзгариши масалалари бўйича маҳаллий мутахассислар, тадқиқотчилар ва экспертларни тайёрлаш учун илмий-тадқиқот институтлари ва таълим муассасаларининг салоҳиятини кучайтириш, давлат ва хусусий секторда инсон капиталини яхшилаш.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ харажатларни белгилаш иқлим харажатларни баҳолаш ва мониторинг қилиш имконини берадиган иқлимга боғлиқ (иқлим ўзгаришига мослашиш ва оқибатларини юмшатиш) бюджет харажатларини аниқлаш ва ўлчаш жараёнини ўз ичига олади.

Иқлим билан боғлиқ харажатлар²:

² <https://openbudget.uz/green-budget>

Аралаш хусусиятга эга харажатлар		424 млрд сўм (1,5 %)	
Юмшатиш хусусиятига эга харажатлар		613 млрд сўм (2,1 %)	
Мослашиш хусусиятига эга харажатлар		27 962 млрд сўм (96,4 %)	
МОСЛАШИШ ЧОРАЛАРИ:		ЮМШАТИШ ЧОРАЛАРИ:	
<ul style="list-style-type: none"> ■ суғориш сувларидан фойдаланишни қисқартириш учун сувни тежовчи технологияларни (томчилатиб суғориш) жорий этиш; ■ куз ва қишда сув ресурсларини тўплаш учун сув ҳавзаларини яратиш (электр энергиясини ишлаб чиқариш учун сув ресурсларини шакллантириш учун давлатлар томонидан ўтказиладиган сув ресурслари – Тожикистон ва Қирғизистон); ■ сувни кам талаб қиладиган экинларга ўтиш (кўп суғоришни талаб этадиган пахта етиштириш учун ер майдонини қисқартириш); ■ далаларни лазер билан текислаш; ■ аҳоли пунктлари ва шаҳарларни кўпроқ кўкаламзорлаштириш; ■ ўрмонлар барпо этиш, агроўрмон хўжалигини ривожлантириш; ■ экстремал об-ҳаво ҳодисалари ва иқлим хавф-хатарларидан эрта огоҳлантириш тизимини ишлаб чиқиш ва бошқалар. 		<ul style="list-style-type: none"> ■ амалдаги иссиқлик электр станцияларини модернизация ва реконструкция қилишга инвестициялар; ■ кичик гидроэлектростанциялар, шунингдек қуёш электр станциялари ва шамол парклари қурилиши; ■ электр транспорт воситаларини (жумладан, жамоат транспорти) ривожлантириш, энергия тежамкор ва кам углеродли биноларни қуриш; ■ барча турдаги биноларнинг томларини тармоқда электр энергиясини ишлаб чиқариш учун қуёш фотоэлектр қурилмалари билан жиҳозлаш; ■ уй-жой коммунал соҳасида қуёш сув иситиш мосламаларидан фойдаланиш; ■ чорвачиликда биогаз қурилмаларидан фойдаланиш (метанли чиқиндиларни камайтириш) ва бошқа иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш 	

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШГА ВА МОСЛАШИШГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ 2022 ЙИЛ ИЖРОСИ, СОҲАЛАР КЕСИМИДА, МЛРД СЎМ

	Харажатлар	Ижро	Ижобий	Салбий	Таъсирга эга эмас
	Харажатлар, жами	236 692,0	28 998,5	1 017,7	206 675,7
	Жами харажатларга нисбатан, фоизда	100,0	12,3	0,4	87,3
1	Ижтимоий харажатлар	117 691,9	516,5	-	117 175,3

2	Иқтисодиёт харажатлари	34 090,9	17 253,3	989,8	15 847,8
3	Инвестиция харажатлари	27 807,0	10 508,6	-	17 298,4
4	Давлат бошқаруви, ҳокимияти, адлия, прокуратура, суд ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари	13 551,7	690,3	-	12 861,4
5	Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республика- си, вилоятлар, шаҳар ва туман- лар бюджетларининг захира жамғармалари	1 811,0	-	-	1 811,0
6	Давлат қарзига хизмат кўрсатиш ва қоплаш харажатлари	3 528,5	-	-	3 528,5
7	Бошқа харажатлар	38 211,0	29,8	27,9	38 153,3

Соҳалар кесимида иқлим ўзгаришларига ижобий таъсир хусусиятига эга бўлган харажатларнинг 73 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги (ирригация) ҳамда транспорт соҳалари ҳиссасига тўғри келади.

References:

1. 28.02.2023 йилдаги ПФ-27 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида
2. 21.12.2022 йилдаги ПФ-269-сон Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида
3. 30.12.2022 йилдаги ЎРҚ-813-сон2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида
4. 24.08.2020 йилдаги 506-сон “2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги” қарори
5. Жаҳон савдо ташкилотининг Тарифлар ва савдо бўйича Бош келишув – ГАТТ 1947й.
6. Clarete R. and J. Whalley (1987). “Comparing the Marginal Welfare Costs of Commodity and Trade Taxes”. Journal of Public Economics, 33, 3, 357-62, August.
7. Husted, S. and M. Melvin (2001). International Economics, 5th edition. Addison, Wesley, Longman.
8. <https://www.lex.uz/>
9. <https://www.norma.uz/>
10. <https://www.gov.uz>
11. <http://mineconomy.uz>
12. <https://stat.uz/>
13. <https://review.uz>

14. <http://www.uzbearingpoint.com/>
15. <https://minfin.gov.ru>
16. <http://www.ijmra.us>
17. <https://www.un.org/>
18. Openbudget.uz



INNOVATIVE
ACADEMY